



ПОРА ОЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

Мирзаев Анвар Сатторалиевич

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21869874>

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 15-моддасида «Миллий оммавий мансабдор шахсларга пора бериш» ва 16-моддасида «Хорижий оммавий мансабдор шахсларга ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш» коррупцияга оид жиноят сифатида белгиланган. Жумладан, “15-модда. Миллий оммавий мансабдор шахсларга пора бериш Ҳар бир иштирокчи давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда бунини жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради:

а) оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

б) бирон мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирон ноқонуний афзалликни шахсан оммавий мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.”¹

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси (Пора олиш), 211-моддаси (Пора бериш) ва 212-модда (Пора олиш беришда воситачилик қилиш)ларида шундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан:

Пора олиш (ЖК 210-м.). *Пора олиш деганда*, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши тушунилади.

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси Электрон манба
<https://lex.uz/docs/1461329>



Жиноятнинг бевосита объекти давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг нормал фаолиятини амалга ошириш соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир.

Пора олиш жиноятининг предмети модда диспозициясида бевосита кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра моддий қимматликлар ёки мулкый манфаат бўлиши мумкин.

Моддий қимматликлар деганда, алмашиш қийматига эга бўлган нарсалар тушунилади. Уларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин: а) пул (валюта); б) қимматли қоғозлар; в) моддий қимматга эга бўлган бошқа мулклар.

Пул (валюта) деганда, миллий пул бирликлари билан бир қаторда, жиноят содир этилган вақтда муомалада бўлган хорижий пул бирликлари ҳам тушунилади. Тўлов воситаси сифатида муомалада бўлмаган, лекин у ёки бу нуизматик қимматга эга бўлган қадимий тангалар пора предмети сифатида олинган тақдирда «моддий қимматга эга бўлган бошқа мулклар» кўринишидаги пора олиш сифатида баҳоланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96-моддасига мувофиқ қимматли қоғозлар мулкый ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Фуқаролик кодексининг мазкур моддасига кўра қимматли қоғозлар жумласига қуйидагилар киради: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар.

Моддий қимматга эга бўлган бошқа мулклар деганда, айирбошлаш қийматига эга бўлган ҳар қандай мулкни, шу жумладан чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар – фонд бойликлари (акция, облигация ва бошқалар) ва бошқа кўринишдаги валюта қимматликларини ҳам тушуниш мумкин.

Мулкый манфаат деганда, мулкый наф кўриш ёки мулкый фойда олиш тушунилади. Мулкый манфаат мулкый моҳиятга эга бўлган хизматлар ва фойдалар олиш кўринишида бўлиши мумкин. Мулкый моҳиятга эга бўлган хизматлар, яъни ўрни қопламасдан кўрсатилган, лекин ҳақ тўланиши шарт бўлган ёки мазкур хизматларнинг давлат ёки тижорий баҳосига яққол мос





келмайдиган қисман ҳақ тўланган хизматлардир (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқа).

Моддий хусусиятга эга бўлмаган нарсалар пора олиш жиноятининг предмети бўла олмайди, масалан, мансабдор шахснинг газета ва журналларда мақтов лавҳаларини чоп этиш, мансабдор шахснинг илмий ишига ижобий тақризларини ёзиб бериш. Муайян шартлар мавжуд бўлганда бундай ҳаракатлар мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Пора олиш жинояти объектив томондан мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлишида ифодаланади. Пора олиш жинояти объектив томонининг асосий белгиси мансабдор шахснинг пора предметини олиши ҳисобланади. Мансабдор шахс пора предметини бевосита (шахсан ўзи) ёки воситачи (мансабдор шахснинг ихтиёри ёки унинг топшириғи бўйича бошқа шахслар) орқали олиши мумкин.

Суд-тергов амалиётида порани очикдан-очиқ ёки ниқобланган усулларда олинишини кўришимиз мумкин. Ниқобланган йўл билан пора олиш нафақат фош қилиниши жиҳатидан мураккаблиги, балки квалификация учун баъзи қийинчиликларни келтириб чиқариши билан ажралиб туради. Бундай йўл билан пора олишда пора предметига қонуний тус берилади (масалан, турли шартномалар тузиш орқали пора олиш, совға шаклидаги порани қабул қилиш, турли тўловлар шаклида пора олиш).

Ҳозирги кунда иқтисодий, хусусан, молиявий, хўжалик муносабатларининг тез суръатлар билан ривожланиб бориши пора олиш жиноятининг содир этилиш усуллариини такомиллашувига замин яратмоқда. Банк ва бошқа молиявий тузилмалар, суғурта компаниялари имкониятларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари ҳам тез-тез учраятти. Бундай йўл билан пора олишнинг қуйидаги усуллариини кўрсатиш мумкин: банкда пора олувчи шахснинг фойдасига омонат қўйилиши, мансабдор шахснинг банкдаги ҳисобварағига пул ўтказиб бериш, ҳисобварақда бўлган пул қийматининг фоиз даражасини ошириш, мансабдор шахснинг соғлиғи ёки муайян мулкӣни суғурта товонини бошқа шахс (пора берувчи) тўлаган ҳолда суғурта қилдириш ва бошқалар. Бироқ





пора олишнинг усуллари ва шакллари қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

Пора олиш жиноятининг объектив томони мансабдор шахс томонидан пора олиниши факти билан бир қаторда, мазкур факт ва мансабдор шахснинг муайян хулқ-атвори (мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги) ўртасидаги алоқани ҳам назарда тутати.

Мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши деганда, мансабдор шахс томонидан нафақат ўз хизмат ваколатлари доирасига кирадиган ҳаракатларни содир этиши, балки эгаллаб турган лавозимини мавқеидан фойдаланиб бошқа мансабдор шахсларга таъсир кўрсатиши ва уларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши тушунилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мансабдор шахс томонидан ўзининг шахсий (яқин таниш-билишчилик, қариндошлик) алоқаларидан фойдаланиши хизмат мавқеидан фойдаланиш сифатида баҳоланмаслиги лозим.

Пора берувчининг манфаатлари деганда, нафақат унинг шахсий манфаатлари, балки у томонидан кўрсатилган учинчи шахслар, яъни яқин қариндошлари, яқин кишилари ва шу каби шахсларнинг ҳам манфаатлари тушунилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мансабдор шахснинг ўз қўли ёки назорати остидаги шахслардан уларни хизмат юзасидан ҳимоялаш ёки қўллаб туриш, ваколоти доирасига кирувчи масалаларни ушбу шахслар манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳал қилганлиги учун улардан пул маблағлари ёки бошқа бойликлар олишини ҳам пора олиш деб баҳолаш лозим.

Мансабдор шахс қилмишини пора олиш деб квалификация қилиш учун пора предметини олиш вақти аҳамиятга эга бўлмайди. Бунда пора предмети мансабдор шахс томонидан пора бераётган шахс манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракат содир этгунга қадар ёки пора предмети мансабдор шахс томонидан пора бераётган шахс манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракат содир этилгандан кейин олиниши мумкин. Бу ерда энг муҳими пора олаётган ва бераётган шахс ўртасида пора олиш-бериш ҳақидаги келишувнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Мансабдор шахс томонидан ўзининг шахсий ва ижтимоий ҳаётидаги бирор воқеа муносабати билан қиймати жиҳатдан унча қиммат бўлмаган совғалар олиниши пора олиш ҳисобланмайди. Масалан, туғилган куни





муносабати билан қиммат бўлмаган қўл соати, кўйлак, гулдаста ва бошқалар.

Пора олиш жинояти пора олувчи томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб, аниқ ҳаракатлар содир этилган ёки этилмаганлигидан қатъи назар, пора предметининг лоақал бир қисми олинган вақтдан тугалланган деб топилади.

Олдиндан келишилган пора уни олувчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра олинмай қолган ҳолларда (масалан, жиноятни пора берилаётган вақтда жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан тўхтатилиши) қилмиш Жиноят кодексининг 25-моддаси иккинчи қисми ва 210-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Агар тасаввур қилинган пора мансабдор шахс томонидан олинмаган ёки олишдан бош тортилган бўлса, пора беришга ҳаракат қилган шахснинг ҳаракатини пора бериш учун суиқасд қилиш каби тавсифлаш лозим бўлади. Аммо пора бериш ва олиш нафақат мансабдор шахснинг ўзи уни олганида, балки унинг ихтиёри ёки унинг топшириғи бўйича уни бошқа шахслар қабул қилганида ҳам тугалланган жиноят ҳисобланади.

1. Пора олиш жиноятининг субъектив томони айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Мазкур жиноятнинг мотиви ва мақсади кўп ҳолларда ғаразгўйлик ҳисобланади. Пора олиш жиноятининг субъекти 18 ёшга тўлган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлиши мумкин.

